



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2006 йил, 13 январь, жума

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 8 (10.565)

Баҳоси эркин нархда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

## 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

### Кечас сатрларда

● **БУГУН** Бектемир туманидаги 30-музыка мактабида "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамда туман марказлашган кутубхоналар тизими ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати "Президент асарларини ўрганамиз" деб номланди.

● **БУГУН** Миробод туман енгил саноат касб-хунар коллежи ўқувчилари Республика Куролли Кучлари музейига экскурсия қилишди.

● **ЭРТАГА** Тошкент Ахборот технологиялари университетига Ватан химоячилари кунига бағишлаб Юнусобод туман хотин-қизлар кўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ЁИХ туман бўлими хамкорликларида "Аскар оналар ўлдир" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Яккасарой туманидаги "Ракат", Хамид Сулаймонов, "Тепа" маҳаллалари болажонлари иштирокида 26-мактабда "Камолот" ЁИХ туман Кенгаши ташаббуси билан Янги йил байрами ўтказилди.

● **БУГУН** Учтепа туманидаги "Ватан", "Ватанпарвар", Соғуний, Ал-Хоразий маҳаллаларида "Камолот" ЁИХ туман Кенгаши томонидан "Кўчма арча" лойиҳаси доирасида ўтказилган байрам тантаналарида болажонларга Қорбобо, Қорқиз совғалари тухфа этилди.

● **МИРОБОД** туманидаги ҳарбий қисмда БУГУН Ўзбекистон Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг 14 йиллиги ҳамда Ватан химоячилари кунига бағишлаб туман хотин-қизлар кўмитаси "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими хамкорликларида тадбир уюштирилди.

● **"КАМОЛОТ"** ЁИХ Сергели туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан "Баҳор", "Оқибат", "Янги ҳаёт", "Ёрқин ҳаёт", "Наврўз", Ал-Фарғоний, "Кўшқўрғон", "Ёшлик" маҳаллаларида яшовчи ижтимоий ёрдамга муҳтож болажонларга "Камолот" дан Янги йил билан" лойиҳаси доирасида Қорбобо ва Қорқизнинг совғалари топширилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги Усмон Носир маҳалласида "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ташаббуси билан "Мардлар қўриқлайди Ватани" мавзусида ўтказилган тадбир Ватан химоячилари кунига бағишланди.

● **КЕЧА** Мирзо Улугбек туманидаги "Баҳор" маҳалласида кичикинтойлар иштирокида "Камолот" ЁИХ туман Кенгаши ташаббуси билан Арча байрами ўтказилди.

● **ЎТГАН** кунин Юнусобод туманидаги «Боғишамол» маҳалласида «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши ташаббуси билан «Камолот» дан Янги йил билан» лойиҳаси доирасида уюштирилган Арча байрами тадбирида 98 нафар кичикинтойларга Қорбобо ва Қорқизнинг совғалари тухфа этилди.

● **ТОШКЕНТ** Архитектура-қурилиш институтида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида иқтисодиёт, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган анжуман «Инсон ва унинг ҳуқуқлари, эркинликлари — энг олий қадрият» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва  
ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.

Она-Ватан тинчлиги, эл оройишталлигини бедор қўриқлаётган навқирон, забардаст, мард ва жасур посбонлар билан учрашувлар, мароқли суҳбатлар кишига бир олам қувонч бағишлаб, кўнгилда фахру гурур уйғотиши шубҳасиз.

Камолитдин Тўраев олган суратлар.



**АЙНИ ПАЙТДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ҚИСМ ВА БЎЛИНМАЛАРИДА ҚИШКИ ЎҚУВ МАВСУМИ АВЖ ПАЛЛАДА. БУНДАЙ ҚОҒДА ҲАР БИР ПОСБОН ЎЗ ҲАРБИЙ ЖАМОАСИНИНГ ИЛҒОРЛАР САФИДАН ЖОЙ ОЛИШИ УЧУН МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРИНИ ИШГА СОЛИШИ ТАБИИЙ. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ХИЗМАТ КИЧИК СЕРЖАНТИ НОДИРБЕК ИСМАТИЛЛАЕВ ҲАМ ХУДДИ ШУНДАЙ ШУНҚОРЛАРДАН.**

## ЖАМОАНИНГ ЭНГ ИЛҒОР ШУНҚОРЛАРИДАН

Ҳар қандай об-ҳаво посбонларни чўчила қилибди. Чунки, улар ҳар қандай шартларда ҳам жанговар шайлигини намойиш этишга интиладилар. Зеро, ўз матонатликларидан она диёри оройишталлигини химоя қилишга интилади. Жанговар гуруҳ мана шундай кўтаринки бир кайфиятда отиш машқларини бошлашди.

Аскарлар мудофаа чизигидан туриб, шартли душманнинг 250-300 метр узоқликдаги ҳаракатдаги пидеасига зарба беришлари керак. Бу вазифани амалга оширишга дастлаб оддий аскар Н.Ғойипов кўришди. Ҳаракатдаги шартли душманни аниқ нишонга олишда майдалаб ёғаётган ёмғир ҳалақат берар, лекин шундай бўлса-да, йигит ички қўрқув аралаш ҳажжонини жиловлаб автомат тепкисини босди. Ўқ нишонга беҳато теғди. Сўнгра

навбатдаги посбонлар шартли душман пидедаларини нишонга олишди...

Бу — қишки ўқув мавсумидан бир лавҳа эди. Ушбу дала синов машғулоти кичик командири Нодирбек Исматиллаев ва бўлима шунқорлари бўлиш оддий аскарлар — Нуритдин Ғойипов, Ўткир Турсунқулов, Холмурод Номозов ниҳоятда қўйилмақ урдада, аъло натижага қўйиб эдилар.

Гуруҳимиз посбонларнинг бундай дала машғулотида илк бор иштирок этиши, — дейди кичик сержант Н.Исматиллаев. — Чунки уларнинг хизматларига энди тўрт ойдан ошди. Хозирча бошланғич чакки эмас. Тинимсиз машғулотларимиз ўз самарасини берди. Мақсадимиз бошқа тайёргарликларда ҳам уюшқоқлик билан иштирок этиб, ўқув мавсумининг

энг илғор бўлини деган номга сазовор бўлиш.

— Кичик сержант Н.Исматиллаев аскарларга сабоқ беришда бор маҳоратини ишга солиди, — дейди ҳарбий қисмининг тарбиявий ишлар бўлими катта офицери, катта лейтенант Дониёр Топшўлатов. — Агар посбон жамоавий машқларда ўз имкониятларидан тўла фойдалана олмаса, у нормативларни йигитларга алоҳида-алоҳида ўргатишдан сира толмайди. Ўқув мавсумида юқори натижага эришадиганининг ҳам асл сабаби шундир.

Ҳозир Нодирбек офицер Садритдин Муйидинов хизмат қилаётган ҳарбий жамоада энг илғор шунқорлардан ҳисобланади. Чирчиқ шаҳридаги замонавий сержантлар тайёрлаш мактабида касб маҳоратини ошириб қайтган, унинг гаирати-гайрат, кучига-куч қўшилди. Ахир, ўзи хоҳлаган соҳада хизмат қилаётган бўлган офицер Аваз Эргашевни қўриб, "Мен ҳам шундай офицер бўлар эканманми?", дея ҳадик-ла озу қилган бўлса, энди йигит офицер бўлишга жиддий аҳд қилган. Посбон мазкур йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга киришга ҳақиқат қилаётган. Қўшиқ шундаки, умумтаълим мактабининг 11-синфда тахсил олаётган укаси Жаҳонгир ҳам акаси билан бирга ушбу билим юртига ҳужжат топшириш ниятида. Ахир, интиланганга толе ёр деганларку.

Комилжон ҲАСАНОВ

## «ЎЗБЕКИСТОН — ОНА ЮРТИМ»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ МУЗЕЙИДА ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН «ЎЗБЕКИСТОН — ОНА ЮРТИМ» МАВЗУИДАГИ АНЪАНАВИЙ ОЛТИНЧИ УМУМАРВИЙ БАДИИЙ ИЖОДИЁТИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Бир ой давом этадиган ушбу тадбирда Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбий ижодкорларнинг халқ амалий санъати ва расомчиликка оид олтимишдан зиёд асари намойиш этилмоқда. Улар орасида, айниқса, кичик сержант Р.Абдулатиповнинг «Мустақил Ўзбекистонни химоя қилиш — муқаддас бурчимиз», оддий аскар Л.Шўхратовнинг «Истиқлол посбонлари», сержант А.Отахоновнинг «Чексиз дунё» деб номланган картиналари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жасур КЕНҒОБОВ, ЎЗА мухбири

## ЖАҲОНДА

● Исроил ҳукумати Шарқий Қуддусда яшовчи фаластинликларга ҳам жорий йилнинг 25 январида Фаластин парламенти учун бўлиб ўтадиган сайловларда қатнашишга рухсат берди.

● Грузияда АҚШ Президенти Жорж Бушга суиқасд уюштирган Владимир Арутунян умрбоқ қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

● Исроил Бош вазири Ариэль Шарон соғлиги борасида яна муаммолар юзга келди. 77 ёшли сиёсатчини «Хадаса» шифохонасида даволаётган врачларнинг таъкидлашича, Шароннинг юрак қон томирлари кетма-кет ўтказилган жарроҳлик амалиётларидан сўнг жиддий шикастланган. Бу унинг соғлиғига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

● Донор мамлакатлар парранда гриппига қарши курашнинг навбатдаги босқичига 1,4 миллиард АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратишга тайёр бўлишлари керак. Бу ҳақда БМТнинг юқори мартабали вакили доктор Дэвид Набарро маълум қилди. Унинг сўзларига кўра ушбу маблағ 17-18 январь кунлари Пекинда парранда гриппига қарши кураш юзасидан бўлиб ўтадиган конференцияда тўпланиши лозим.

● АҚШ Президенти Жорж Буш Америка томонидан Куба ҳукуматига нисбатан жорий этилган бир томонлама санкцияларини яна бир йилга узайтирди. Бу ҳақда Оқ уй матбуот хизмати томонидан хабар тарқатилди.

● Мексика Олий суди прокуратура томонидан мамлакатнинг собиқ президенти Луиз Эчеверриани жавобгарликка тортиш юзасидан тақдим қилинган талабни рад этди. Олий суднинг уч судьяси қуйи инстанция судининг қарорини ўз қучида қолдирди. Унга кўра собиқ президент зиммасидан геноциднинг содир этганлиги айби олиб ташланган.

● Дунёнинг йирик банкларида бири Bank of Tokyo-Mitsubishi UFJ фаолияти тўхтатилди. Гап шундаки, салкам 1 триллион 600 миллиард доллар активга эга банкнинг компьютер тизими ишдан чиққан. Шу боисдан ҳам молиявий муассаса ўз фаолиятини тўхтатиб қўйишга мажбур бўлди.

● Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида жойлашган ногирон болалар учун махсус лицей-интернатда чиққан ёнгин оқибатида 13 бола ҳаётдан кўз юмди, 79 нафари эса кутқариб қолинди. Ҳозирда ёнгин сабаблари аниқланмоқда.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 14 январь кунин Тошкентда ҳаво ўзгариш турари, ёнгинарчилик бўлмайд. Кечаси ва эрталаб айрим жойларга туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-11 даража совуқ, кундузи 1 даража совуқ билан 1 даража илқ бўлади.

## ЙИЛ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 11 ЯНВАРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ИЖТИМОИЙ КОМПЛЕКСИ ТАРҚИБИГА КИРУВЧИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРИНИНГ 2005 ЙИЛГИ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Вазирлик ва идоралар раҳбарларининг йиллик ҳисоботлари танқидий-тахлилий нуктаи назардан қўриб чиқилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 январда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлиси-

да, шунингдек, 2005 йил 7 февралда ҳукумат аъзолари билан ўтказилган йиғилишда сўзлаган нукталаридан келиб чиқадиган вазирларнинг баҳарлишига алоҳида диққат қаратилди.

Йиғилишда Мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дасту-

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР МАСАЛАЛАРИ КОМПЛЕКСИНИНГ 2005 ЙИЛДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2006 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИШ ЛОЗИМ БЎЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасаруфидан чиқариш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, молия ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, хизмат турларини кўлайитириш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш,

телекоммуникация тармоқлари ва ахборотлаштириш тизимларини қайта қуриш ва ривожлантириш йўналишида амалий ишлар олиб борилгани таъкидланди.

2005 йил натижалари бўйича 400,1 миллиард сўмлик, жумладан, алоқа ва ахборот-коммуникациялар технологиялари соҳасида 374,1 миллиард сўмлик /2004 йилга нисбатан 132 фоизга ўсиш/, ахборот ва матбуот соҳасида 26 миллиард сўмлик /аввалги йилдагига нисбатан 115 фоизга ўсиш/ хизмат кўрсатилди. 78,7 миллион доллар миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

Ҳисобот даврида мобил алоқаси абонентларининг сони 1150 мингга етди. Ушбу кўрсаткич 2004 йилнинг шу даврига нисбатан икки баравардан зиёдроққа ортди. Шу ўринда, таҳлиллар республикада мобил алоқа турғун алоқага нисбатан тез суръатлар билан ривожланаётганини кўрсатди. Бу эса жаҳонда давом этаётган тенденцияларга мос ва ҳамоҳангдир.

Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида рақобатнинг кучайиб бораётгани туфайли Интернет тармоғи хизматидан фойда-

он дастурларнинг амалга оширилиши жиддий муҳокамадан ўтказилди.

Комплекс йиғилишида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолияти» йўналишидаги Фаормони ижроси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг беш йиллик фаолияти юзасидан ҳисоботлар тингланди.

Вазирлик ва идоралар,

уларнинг раҳбарлари фаолияти танқидий таҳлилдан ўтказилган мазкур йиғилишда давлат дастурларида белгиланган айрим бандлар ижросида йўл қўйилмаётган сўзлашди, мутасадди ходимларнинг ўз вазифасига бўлган масъулиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилиш кун тартибига қўйилган барча масалалар, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли давлат идоралари ва бошқарув органларига аниқ топшириқлар берилди, 2006 йилда қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар белгиланган бўлиди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси Х.Дўстмухамедов иштирок этди.

ЎЗА

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



БУ ЙИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 14 ЙИЛ ТЎЛАДИ. АЙНИ КУНЛАРДА ШУ ҚУТЛУҒ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА ҒЎШАЛАРИДА ОММАВИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАДБИРЛАРИ, УЧРАШУВЛАР, ХОТИРА КЕЧАЛАРИ, МУЗЕЙЛАРГА ЭКСКУРСИАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

БАРКАМОЛ АВЛОД КАМОДОТИ — ЭЗГУ МАҚСАДИМИЗ

Хусусан, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши ва унинг 11 та туман бўлиmlлари томонидан ҳам режа асосида кенг камровдаги тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Бўлғуси Ватан химоячиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, муқаддас йиғитлик бурчини тўғри англатиш, Мустақилликнинг қадрига етиш, тинчлик-тотувликни асраб-авайлашни ўргатиш каби эзгу мақсадлар қўланган учрашувлар эса иштирокчиларда катта қизиқилар уйғотаётганиги билан эътиборлидир. Масалан, Миробод туман Кенгаши томонидан мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари, Чилонзор туман Кенгаши бошланғич ташкилотлари томонидан 126, 162, 128-мактаб ўқувчилари орасида ўтказилган спортнинг ўқ отиш тури бўйича мусобақа, Яқасарой туман Кенгаши ва Тошкент бирлашган техника мактаби курсантларининг «Шонли ватан тарихи» мусабобига, Миробод туман Кенгаши бошланғич ташкилоти, Тошкент давлат авиация ва Шарқшунослик институти талабаларининг Куролли Кучлар музейига ташрифлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан дизайн касб-хунар коллежида «Мустаҳкам тинчлик ва барқарор ҳавфсизлик — оσόйишта ҳаёт ва тараққиёт гарови» мавзусидаги катта байрам тадбири, Тошкент биринчи тарзда ўтказилиб келинаётган «Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон», «Ким одигу ким бўлди» мавзусидаги уруш қатнашчилари ва фахрийлар билан ўтказилган давра суҳбатлари, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари музейида бўлиб ўтган «Куролли Кучлар — фуқароларни мардлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мактаби», «Харбий ислоҳот — замонавий, профессионал армияни ташкил этишнинг асоси» мавзусидаги учрашувлар, Сергели туман Кенгаши ва туман мудофаа бўлими ҳамкорликларида ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар орасида айнавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Энг намунали гуруҳ командири», «Энг намунали батальон командири» танловларида иштирок этилиши, Юнусобод туман Кенгаши томонидан 206-мактабда ўқ отиш бўйича ўтказилган мусобақалар ўқувчи-ёшларда катта таассурот қолдирди.

— Мақсадимиз бугунги кунимиз, тинч-оқойишта ҳаётимизга муносиб ишлов бўладиган, она-Ватанининг мустақиллиги, сарҳадлари дахлсизлигини туну кун сержак қўриқлай оладиган авлодни воёга етказишдир, — дейди биз билан суҳбатда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Республикада хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси Назриддин Ризаматов. — Бу йилдаги юмушлар ташкилотимизда фақат Ватан химоячилари кун олдида эмас йил бўйи олиб борилади. Жисмонан соғлом, руҳан тетик, маънан бақувват ёшларгина эзгу мақсадларга хизмат қила олади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ВА ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТЛАРИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАЁТган ДОИМИЙ МОНИТОРИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАЪЛУМОТЛАРИГА КўРА, МАМЛАКАТИМИЗДА «ПАРРАНДА ГРИППИ» БИЛАН КАСАЛЛАНИШ ХОЛЛАРИ Йўқ, АЙНИ ПАЙТДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАР КУНИ ТУРЛИ ДАВЛАТЛАРДА УШБУ ЮқУМЛИ КАСАЛЛИКНИНГ ЯНГИ ўчоқЛАРИ ПАЙДО БўЛАЁТгани ТўғрисиДА БОНГ ўРМОҚДА. ўЗА МУҲБИРИ ўЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ САНИТАРИЯ ВРАЧИ, СОғЛИҚНИ САқЛАШ ВАЗИРИНИНГ ўРИНБОСАРИ БАХТИЁР НИЁЗМАТОВДАН УШБУ ХАВФЛИ ИНФЕКЦИЯНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДИГА КИРИБ КЕЛИШИГА ЙўЛ ҚўЙМАСЛИК ўЧУН ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР ҚўРИЛАЁТгани ҲАҚИДА СўЗЛАБ БЕРИШНИ ИЛТИМОС ҚИЛДИ.

— Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтда дунёнинг кўпгина давлатларида «парранда гриппи» касаллиги қайд этилмоқда, — дейди Б.Ниёзматов. — Аввал касаллик Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида тарқалган бўлса, бугунги кунда ушбу инфекциянинг Европадаги турли давлатлар ва Туркияда авж олиши кузатишмоқда. Табиийки, бундай вазият ташвиш туғдиришмоқда ва Ўзбекистон давлат санитария-эпидемиология назорати мутахассислари ҳамда ветеринария шифокорларидан доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этишмоқда. Бу борада аниқ чора-

«ПАРРАНДА ГРИППИ»ГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА ҚУРАШМОҚ ПОЗИМ

тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши мамлакатимизга «парранда гриппи»нинг кириб келиш хавфини кескин камайтиришга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш кераки, бундай ишлар анчадан буюн ва мунтазам амалга оширилмоқда. Натижада дунёда ушбу касалликнинг тарқалиши кенгайиб бораётганига қарамай, республикада тинч эпизодик ва эпидемиологик вазият сақланмоқда. Ўзбекистонда ҳозиргача уй паррандаларнинг ва одамларнинг ушбу касалликка чалинганлиги бўйича бирорта ҳам ҳолат қайд этилгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 август ва 13 октябрда қабул қилинган қарорлари мувофиқ, республикада ҳудудига Россия, Қозғистон, Болгария, Руминия ва Туркиядан тирик уй паррандаси, унинг гўшти, туҳуми ва ундан тайёрланган маҳсулотларни олиб келиш вақтинча манъ этилган.

Ушбу хавфли юқумли касаллик қасалиги турига киритилгани бежиз эмас. Негаки, унинг кўринишлари кўпал ўткир респираторли вирусли инфекциялар ва грипп касаллигига ўхшаб кетади. АЙНИ ПАЙТДА КАСАЛЛИКНИНГ клиник аломатлари яққол намоён бўлади. Жаҳон амалиёти шунки қўрсатадики, ушбу касалликларга нисбатан қўлланадиган профилактика чоралари органици «парранда гриппи»дан химоя қилиш имконини беради. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳозирги куз-қиш мавсумида ўткир респираторли вирусли инфекция ва грипп тарқалишининг олдини олишга оид ишлар кўчайтирилиши керак.

Соғлиқни сақлаш вазирилик ҳузурида ушбу касалликларга қарши курашиш бўйича республика штаби кечаю кундуз ишлаб турибди. Бу каби тузилмалар вилоятларда ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари, аҳолини эмлаш ишлари йўлга қўйилди ва бугунгача 250 миң нафардан ортиқ киши эмланди. Бу ишлар ўз натижасини бермоқда.

Ҳозирги мавсумда ўткир респираторли вирусли инфекция ва грипп билан касалланган кенг тарқалгани йўқ.

Соғлиқни сақлаш вазирилик амалиётчи шифокорлар учун «парранда гриппи»га ташхис қўйиш бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқди. Инфекцияга чалиниш ҳоллари таҳмин қилинганда кўшимча текширувлар ўтказилди ва бу 1,5-2 соат ичида вирус ҳусусиятини аниқлаш имконини беради. Иккита асосий вирусология лабораторияси - Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва Соғлиқни сақлаш вазириликнинг Вирусология институти ҳузурида ташкил этилган Грипп миллий маркази ушбу тадқиқотлар учун зарур бўлган тест-тизимлар билан жиҳозланган.

Зарурат туғилса, барча ҳудудий вирусология лабораториялари ҳам ана шундай реактивлар билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси давлат чегаралари қўшни мамлакатлар ҳудуди билан кесилган жойларда, Шунингдек, аэропортлар ва темир йўл бекатларида жойлашган 96 та санитария-назорат пунктининг ҳаммаси аниқ тартибда ишламоқда. Бу пунктлар ходимлари республикага келаятган йўловчилар соғлигини назорат қилиши ҳамда божхона хизматлари билан ҳамкорликда ҳудудимизга ҳукумат қарорига биноан турли мамлакатлардан экспорт қилиниши вақтинча тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинишининг олдини олади. Шунки қайд этиш кераки, бугун мамлакатимизнинг паррандачилик саноати аҳолиимизни товуқ гўшти ва ундан тайёрланган маҳсулот билан деярли тулик таъминлай олади. Шу билан бирга, деҳқон бозорларида сотилаётган барча гўшт ва суг маҳсулотлари ветеринария-санитария лабораториясида текширувлар ўтказилмоқда.

Давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати «парранда гриппи» пайдо бўлишининг олдини олиш учун Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазириликнинг Давлат ветеринария бош бошқармаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, Грипп миллий маркази мутахассислари Фанлар академиясининг Зоология институти билан биргаликда мунтазам равишда йввойи сузувчи паррандаларни текширувлар ўтказиб турибди. Чунки, айнан мана шу қўшлар асосий касаллик ташувчилар саналади.

Амалиёт шунки қўрсатадики, инфекцияга қарши асосий химоя «қуроли» - бу профилактикадир. Оддий санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинса, ҳар қандай юқумли касаллик, жумладан «парранда гриппи»нинг ҳам олдини олиш мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим. Ушбу касалликни юзага келтирувчи вирус аτροφ-муфтага ўта чидамсиз бўлиб, юқори ҳароратда тез ўлади. Шу боис парранда гўштини истеъмол қилишдан олдин уни яхшилаб қовуриш ёки қайнатиш тавсия этилади.

Шуни яна бир бор таъкидлаш керакки, мамлакатимизда «парранда гриппи» қайд этилмаган. Ушбу инфекциянинг ҳудудимизга кириб келишининг олдини олиш учун барча керакли чоралар қўрилган. Бу ишда нафақат шифокорлар ва ветеринарлар, балки уй паррандасини боқаятган барча одамлар ҳам иштирок этиши лозим.

А.ИВАНОВА, ўЗА МУҲБИРИ

Туйғулар

ЙИГИТ ОМОН Бўлса...

Хасос шоиримиз, академик Фафур Фулом: — Йигит омон бўлса, Хаёфу хатар йўқ. Қақон бор, қалба бут, Кўрғон саломат

ДЕГАН МИСРАЛАРНИ БИТАНДА ХУДДИ БУТУНГИ МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗНИНГ ТОБОРА ҚУДРАТГА ТўЛИБ БОРАЁТган ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИ, МИЛЛИЙ АРМИЯСИНИ ҲАЁЛ ҚИЛган БўЛСА, ВАТАНИМИЗНИ ҲУР, ОБОД КўРИШНИ ХОҲЛАГАН ЭРСА АЖАБ ЭМАС.

Оллоҳга шукри, Истиклолга эришганимизга 14 йилдан охири. Тарих учун, мамлакат тараққийоти ривож учун бу сана аслида қисқа муҳлат. Аммо, фахр билан таъкидлаш лозими, ана шу қисқа давр мобайнида мамлакатимизда ҳар бир соҳада, ҳар бир тармоқда киши хавас қилса арзийдиган ўзағаришлар, ислохотлар юз берди.

Буюк шоиримиз, Фафур Фулом айтганидек «Қалъани бут, Кўрғонни саломат» саклашининг ўзи бўлмади. Аммо, шунки фахр билан айта оламизки, Юртбошимиз етакчилигида мамлакатимиз раҳбарияти бошқа соҳалар қатори Ўзбекистоннинг ҳарбий салоҳиятини юксалтиришга жиддий эътибор қаратаётгани, ушбу соҳада ўзига хош ислохотларни амалга ошираётгани сабаб бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг қудратли армиясига эга бўлди.

Муҳими ва эътиборли жиҳати, армиямиз сафларида жисмонан бақувват, соғлом, алп келбатли йигитлар хизмат қилмоқда. Очилини айтганда, ҳозирда ҳарбий хизматга соғлом, ҳам руҳан, ҳам жисмонан етуқ, салоҳиятли, билимли ўғлонларгина қабурилмоқда. Аскарларимизга ҳарбий хизмати бекаму қўст ўташларини тарминлаш мақсадида ҳарбий қисмларда яратилган шароитлар таҳсинга сазовор.

Ун тўрт йил ичида ана шундай ўзағаришларни бошидан кечирган Ўзбекистон Куролли Кучларининг қудратига, салоҳиятига ҳамда келажақда янада тақомиллашишига шак-шубҳа йўқ. Шуниси қувонарлики, авваллари, армия сафларида хизмат қилаётган ўзбек миллатига мансуб офицерлар бармоқ билан санарли бўлган бўлса, ҳозирда минглаб ўзбек ўғлонлари ҳарбий соҳанинг мукамил, билимдон офицерлари сифатида аскарларга сабоқ беришмоқда.

Ўзбекистон Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг 14 йиллиги, Ватан химоячилари кўни арасида калбимиздан кечаётган ҳаяжонли туйғуларининг барчасини қоғозга туширишнинг имкони йўқ албатта. Шу боис биз ҳарбий салоҳиятини дунёга кўз-кўз қилаётган, Ватанимизни ташқи душманлардан ҳимоя қилишга қодир офицерларимизга мард, жасур аскарларимизни қўтлуғ байрамлари билан муборакбод этамиз, уларнинг оилаларига тинчлик, соғлиқ, омонлик тилаб кўрғонимизни саломат саклашларига омад ёр бўлсин деймиш.

Ақбар ЙўЛДОШОВ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА КЕСКИН БУРИЛИШ ЯСАЛАЁТган ЙИЛЛАР. ФАШИЗМ ТАҚДИРИ ҲАЛ БўЛАЁТган БИР ПАЛЛАДА, САМАРҚАНДА ҚўЧИРИБ КЕЛТИРИЛган ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИНИНГ БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ҲАРБИЙЛАШТИРИЛган МАКТАБ ОЧИЛДИ. БИЗ БУТУН ҲИКОЯ ҚИЛАЁТган ҚАҲРАМОНИМИЗ МАРАТ ТИШАБОВЕВ ҲАМ МАҲАЛЛИЙ ЁШЛАР ҚАТОРИДА УШБУ ҲАРБИЙ МАКТАБГА 14 ЁШИДА ўқишга БОРган ўСМИРЛАРДАН БИРИ ЭДИ.

Жасорат унутилмайди

САМОДАРНИ КўМСАЙДИ КўНГИЛ

...1946 йил. У ҳарбий мактабни муваффақиятли тугатиб, Ворошиловград шаҳридаги ҳарбий ҳаво кучлари билим юртида ўқини давом эттира бошлади. Уни 1950 йили тугатиб, илк хизматини Сахалин оролларида бошлади. Иккидори ўзбек йигити ўз маҳоратини амалда намойиш этиб, малакасини кўндан-кўнга ошира борди. Учувчиларнинг сир-асрорларини гўхта ўрганиб, тенгдошлари орасида энг олдинда бораётганини сезган полк командири 1958 йилда унга ҳарбий ҳаво кучлари Академиясига ўқишга йўлланма берди. У ўзининг қаттиққўлиги, талабчанлиги ва адолатчилиги билан учувчиларнинг ҳурмати, раҳбарларнинг эса ишончини оқлай билди. Шу тарихка Тбилиси яқинидаги шаҳарчада жойлашган полкка командир қилиб тайинланди. Оқруқ қўмондонни ҳарбий ҳаво кучлари учувчилари билан суҳбатлашар экан, шундай деди: — Мен ўзбек йигитлари билан кўп ҳаво жанглирида қатнашганман ва уларнинг ишонли сафдош эканини яқши биланман. Сиз овоздан тез учар қирувчи учувчилар полкка командир қилиб тайинлангансиз, эшитишимча ўзбеклар орасида, бундай лавозимга сиз биринчи бўлиб эришгансиз. Шунинг учун нафақат сизга бўлган ишончини оқлашимиз, балки миллатингиз гурурини ҳам саклашингиз керак.

Марат ака армия сафида 39 йил сидқидилдан хизмат қилди. Бу қайноқ йилларнинг 29 йилни само қўйишдан мислиси парвозларга бағишлади. Фахрий учувчининг фарзанди Рашид бугун ота касбини давом эттирмоқда. У авиация алоқачиси сифатида Афғонистонда хизмат қилди. Ҳозирги кунда ҳам бу касбда сидқидилдан фаолият қўрсатмоқда.

Фахрий учувчи ўзини ҳамон жанговар сафдагидек ҳис этади. Ватан химоячилари кўни олдида Мирзо Улугбек туманидаги мактабларда, лицей ва коллежларда ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этиб, ёшларга ҳарбий учувчиларнинг оғир, лекин шарафли ҳаёти ҳақида қизиқарли хикояларни айтиб бермоқда. Унинг ибратли тақдирини, шонли ҳарбий йўли барчага ўртак.

Суҳбатлашиб ўтирар эканмиз, Марат Ҳамидович жиймайиб: «Қалбим осмонда қолган, қани энди ҳозир ҳам самолётимга ўтириб ўчсам, она-Ватанимга хизмат қилсам. Лекин бую нарсага ишонманман. Мустақил Республикаимиз фарзандлари мусабоб осмонимизни қўра бўлутлардан саклаб доимо «уйлар»га оғ-саломат қўчишади. Бўнга ишончим қомил», — дейди.

Истеъфодаги полковник Марат Ҳамидович бошидан ўтган жанговар хотираларни ёшларга сўзлаб беради. Чунки, мустақил она-Ватанида ўзи каби ҳарбий учувчилар қўлаб бўлишини истайдил. Бепоян само қўйида Ўзбекистон байроғи ақс эттирилган тез учар самолётларда ўзбек ўғлонлари парвоз этиб юрса қандай яқши.

Саъдулла САПОЕВ

ЁДНОМА

Катта ҳовли штради, нола босди самони, Нурафшон, порлоқ юлдуз беҳол сўнган замони, Дилларни қилди пора айроликнинг пайкони, Мардона қабул этдинг тақдир — бодди қазони. Ким ечибди дунёда бу оғир муаммомни?

Надир дунёга келмак, надир кетмак бесамар? Лек сен эдинг пештоқни ёритган шамсу анвар, Кўҳна истақ-тилакни безатган дуру гавҳар, Банда бошига тушар ҳижрон — қазову қайар, Ким тарк этмас бир кўни бу чархи бевафони?

Ваёда қилсанг аҳдига вафо қилдинг доимо, Покиза, камтар, саҳий топардинг дардага даво, Топмадинг дардинда чора не учун водорию? Сен Ватан хизматида қамарбаста, жонқидо? Тенг тутдинг ҳам қошинда доим шоху гадони.

ХИЗМАТЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

ИНСОН ТИРИК ЭКАНИ, ОРЗУ-ҲАВАС БИЛАН ЯШАЙДИ. НИЯТ ҚИЛАДИ, ўЗ ОЛДИГА МАҚСАДЛАР ҚўЯДИ. Тўғри, УЛАРНИНГ ҚАЙСИЛАРИДИР АМАЛГА ОИША, БОШҚАСИ НИЯТЛИГИЧА ҚОЛИБ КЕТИШИ МУМКИН.

Бирок назаримда, асосийси унда эмас. Зеро, энг муҳими, ўз куч ва имкониятларига ҳолис баҳо бериш, келажақни кўзлаган ҳолда тўғри мақсадлар кўн билиш ва ҳар қандай шароит, вазиятда улар сари астойдил интилишга ўзида куч, ғайрат ва шижоат топа олишадир. Лавҳамиз қаҳрамонини айнан ғайратли, шижоатли инсонлар қаторига қўшишимиз мумкин. У билан яқинроқ танишсак, бунга сиз ҳам иқроор бўласиз.

Салима она ёшлигидан негадир айнан мардлар касбини эгаллаганларга, ҳарбий либос сохибларига ўзгача ҳавас ва ҳурмат билан қараган. Бу нарсани шунчаки ёшлиқнинг беғубор қизиқишига йўлган ота-онаси бора-бора қизиқинг қарори қатъий, шашти бандан эканлигига гувоҳ бўлишди. Тиббиёт билим юртини муваффақиятли тамомлаган бу киз ўз фаолиятини Ватан химоячиларини давлолаш масқани — ҳарбий госпиталлардан бирида бошлаган. Орадан оз фурсат ўтган эса шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар сафига қўшилди. Қаҳрамонимиз ҳаётидаги ушбу муҳим ва унутилмас воқеага ҳам мана, ун йилдан ошибди. Ҳозирда кичик сержант Салима Бўтаева майор Баходиржон Турсунво билончилигиди тиббиёт пунктида хизмат қилиб келмоқда.

Вазифаси санитар-йуричига бўлган юрт посбони ўз вазифасига сидқидилдан ва астойдил ёндошиши, қўйилган вазифаларни аниқ, беҳато бажариши билан жамоадоллари ҳурмати қозонган ҳамда қисм қўмон-

донлиги томонидан доим илғорлар қаторида тилга олинди. — Инсонда хоҳиш, ўзига ишонч бўлса, кўп нарсага эришиши мумкинлигига ҳамisha ишонардим. Ушбу ишончимни ҳаётга татбиқ этиб келаяман ҳам. Ватан химоячиси эканлигимдан албатта, фахрланаман, гуруланаман. Бирок ҳеч қачон, аввало, она эканлигимни унутмайман. Тўғри, фарзандларим тарбиясига нисбатан камроқ вақт ажратишимга тўғри келаётгандир. Айнан шунинг учун, бўш пайтларимдан имкон қадар унумли, мазмунали фойдаланишга оdatланганман, — дейди кичик сержант.

Дароқе, Салима она ўйилларининг айнан ҳарбий бўлишини жуда-жуда истайдил. Унинг айтишича, узок вақтдан бери Куролли Кучларимиз сафидаги хизмати мобайнида Ватан химоячиларининг ақсарияти доворак, самимий, мард, ишончли, очик кўнгли, баркирегн ва фидойи инсонлар эканлигига ўзи амин бўлган. Қолаверса, юрт посбонлари учун яратилган барча шарт-шароитлар, қўлайликлардан бевосита хабардор она зурриёдлари келажагини-да кўзлаётгани бор гап.

Маълуки, фидойилик безэтибор қолмайди. Жонқуярлик ва ўзини касбига бағишлаш муносиб тақдирланди. Лавҳамиз қаҳрамони ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири — «Шуҳрат» медалига сазовор бўлгани айни ҳақиқатдир. Ҳа, эндиликда у мазкур медални нишондори. Она дидеяримиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра давлат мукофотлари билан тақдирланган ватандошларимиз қаторида кичик сержант Салима Бўтаеванинг хизматлари шу тарихка юқори баҳоланган.

Суҳбатдошим билан хайрлашар эканман, унга хизматларида янги галабавар, оилавий тинчлик-тотувлик ҳамда ўзи айтганидек, ўғилларини ҳарбийлар сафида қўриш бахтига эришишини тиладик.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, катта лейтенант

Асраб хавфсизлик ишин амри вожиб дединг сен, Эл-улуддан чўнг иншом-жонбахш дуо дединг сен, Қадим Туронзаминни жаннат-маво дединг сен, Иймон, виждон равишини хўб раҳнамо дединг сен, Тадбир бирла бартараф этдинг ичи қарони.

Рақибинг кибру ҳаво, ўзинга ёр этмадинг, Эзулики касб дединг, ҳеч он инкор этмадинг, Мухтож ҳалидан воқиф, асло душвор этмадинг. Кўнгли соф, дижжўларга жабру озор этмадинг, Унутмадинг раиятини, ҳам тангри-раҳнамони.

Бевақт кетдинг оламдан у дунёнг обод бўлсин, Равазий Фирдавс йўли сен учун қушод бўлсин, Ё раб, бемаҳал сўлган ниҳол, руҳинг шод бўлсин, Аё менинг дилбандим, Яздондан имодд бўлсин, Ўзи элни асрасин ва бу фоний дунёни.

Забихилло НУРУЛЛО

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТАБИЙ ГАЗДАН
Фойдаланувчи истъмолчилар диққатига!

2006 йил 1 январдан табиий газ учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2005 йил 31 декабрдан тасдиқланган янги тарифлар жорий қилинади.
Иситиш газ асбобидан қатъи назар, аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларни яқка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ой учун тенг миқдорда белгиланади.

Table with 4 columns: №, Истъмолчилар турлари, Стандарт, Ўлчов бирлиги, Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм). Rows include gas supply for apartments and individual houses.

Эслатма: 2006 йил 20 январгача газ ҳақи газ ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича эски (10 м.куб. — 108,73 сўм) нарх ҳисобида олинади. 2006 йил 20 январдан бошлаб газ ҳақи янги тариф бўйича олинади.

Table with 4 columns: №, Истъмолчи таъсифномаси, Ўлчов бирлиги, Тариф бўйича тўлов (сўм). Rows include apartment and house gas supply rates.

3. Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун табиий газдан фойдаланишда газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонлар учун белгиланган тарифлар (ГОСТ 5542-87):

«Эски жува» деҳқон бозори очик акциядорлик жамияти

Хабар тартиб рақами 07
Жамият Кузатов Кенгашининг 2005 йил 16 декабрь кунин ўтказилган йиғилиши қарорига биноан умумий мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2005 йил 19 декабрь ҳолати билан ёпилган.
Хабар тартиб рақами 09
Акционерларнинг навбатдан ташқари умумий мажлисини ўтказиш тўғрисида
Умумий мажлис ўтказиш вақти: 2005 йил 29 декабрь.
Умумий мажлис ўтказиш манзили: Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28-уй.
Умумий мажлисда қатнашганлар 387263 овозга эга. 11 нафар акционер.
Кворум 93,15.

«Радиодеталлар» дўкони ҳар қандай радиодеталлар, компьютерлар, жамловчи электрон, аудио ва видео ўлчов асбобларини харид қилади ва сотади.
Телефон: 65-93-93

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

14 январь, ШАНБА
ДЕМАК, БУГҮН МАЪНАВИЙ ЮКСАКЛИКЛАР ҲАМДА ҲАР БИР ИНСОН ЯҚКА ҲАҚИ ВА ЭВОЛЮЦИОН ФАЗОВИЙ ДАСТУРЛАРНИНГ БИРЛАШИШ КУНИ.
Узидан мамнунлик ва ўзига ишонч, кейинги омаду муваффақиятларга бефарқлик бутунги кун хусусиятларига кирди.
Бир ҳолат қўбунини тоғ эчкиси буржи 25 даражасида бўлиши билан белгиланади.

Logos for TV channels: OSHLAR, ITK, SPORTEL, 20 KANAL, ROSSIA.

ДУШАНБА, 16
«Ўзбекистон»
Телетомошибилар диққатига!
Профилактика муносабати билан «Ўзбекистон» телеканали 16 январь кунин ўтказувларини соат 14.55 дан бошлади.

СЕШАНБА, 17
«Ўзбекистон»
6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

ТОШКЕНТ
18.20 Программа передач.
18.30 Информационная программа «Пойтахт» (рус).

30-й канал
16.55 гаца профилактика ишлари
16.55 Открытые программы
17.00 «Мультфильм»

